



Антик адабиётни ўрганишимиздаги биринчи восита мифологиядир. Антик адабиёти мифология асосида юзага келгандир.

Мифология миф, афсона ва эртакдардан иборат. Буюк адаб Горький мифология халк бадиий фаолиятининг алохида бадиий усткурмаси, деб кўрсатилган.

Мифология хали кишилар онги жуда паст бўлган пайтида юзага келган. Шунинг учун инсонлар ўзларига турли туман худолар яратганлар. Масалан: мифологиянинг кўрсатишича, энг аввалги худо Уран, сўнг Гея вужудга келган, буларнинг бирлашувидан Крон, Океан. Рейлар тугилган. Крон билан Рея бирлашувидан яна бошка худо авлодлари юзага келган, шулардан бири Зевс эди. Зевс катта бўлгач, отасини таҳтдан тушириб, ўзи таҳтга чикди. Унинг хукмронлигига карши чиккан худоларни Зевс каттиқ кўллик билан бошкаради. Зевс Олимп тогларида яшовчи худоларнинг Худоси бўлиб колади. Милоддан илгариги XII асрда вужудга кедган «Иллиада» ва «Одиссея» афсоналарида Зевс булатларни хайдовчи худо сифатига тасвирланади.

## Гомер эпослари

Эпик асар деб катта, қаҳрамони халк бўлган достонларга айтилади.

Милоддан илгариги XII асрда греклар билан кичик Осиёдаги Троя шахари ўртасида 10 йил уруш бўлиб, бу урушда греклар галаба козонадилар. Натижада Троя уруши қаҳрамонларини куйлаган достонлари юзага келади. Бу достонларни (бахшилар) юзага келтирадилар. Шундай ном билан бизгача келган бахши Гомердир.

Гомер афсонавий шоир булиб, V асрда яшаган грек тарихчиси Геродот Гомерни ўзидан 400 йил илгари яшаганлигини айтади. Демак, Гомер милоддан илгариги IX асрда яшаган. Баъзи бир буржуа олимлари Гомер номидаги «Иллиада» ва «Одиссея» достонларини турли кишилар томонидан яратилган деб даъво киладилар. Баъзилари бу асарларнинг компазицион курилишида бирлик бор, шунинг учун бир киши томонидан яратилган, дейдилар. Бизга шуниси маълумки, бу достонлар мифология асосида яратилган халк ижодиётидан иборатдир.

Ўзининг сўнгги такомиллаштиришни бир киши кўлига топганки, бу Гомердир. Мил.авв. VI

асрда Тиран-физистирант саройида бу достонларни ёзиб олганлар.

А) «Илиада» ва «Одиссея» достонларида хар хил даврнинг катлами из колдириган.

«Одиссея», «Илиада»дан тахминан 100 йил (бир аср) кейин яратилган.

Б) «Илиада» ва «Одиссея»да бирлик элементлари мавжуд.

В) «Илиада» ва «Одиссея»да бир катор уйгунсизликлар, келишмовчиликлар сюжет харакатда етказилмаган.

Г) Кичик кўшиклар эпосга кадар бўлган, поэмага кичик кўшикларнинг йигиндиси деб караш нотўгридир, кўшик киска, поэма кенг бўлади.

«Илиада» ва «Одиссея» кенг поэмалардир.

Д) Хар иккала асаддаги уйгунсизликлар шуни кўрсатадики, «Илиада» билан «Одиссея» кенг поэма бўлганлари учун биркатор янги мижозлар билан тўлдирилган.

## «ИЛИАДА» достони

«Илиада» икки сўздан иборат, яъни Илион (кадимги Троя шахарнинг номи, Одас-кўшик деганидир. Достон 24 кўшиқдан иборат бўлиб, гекзаметрда (олтили шеърий ўлчовда) ёзилган.

Биз юкорида грек адабиёти мифология асосига курилган деган эдик, «Илиада»нинг асосида хам миф ётади. Бу миф шундан иборат:

Бир куни худо Зевс Олимп тогида яшовчи барча худоларни чакириб, зиёфат беради, бу зиёфатга жанжал худоси Эридани чакирмайди. Бундан газабланган Эрида Зевсдан гч олмокчи бўлади. Зиёфат вактида осмондан «Энг гўзалига» деган бир олма ташлайди.

Худолар ўртасида жанжал чикиб, никоят олма учта чиройли мабуда (аёл) худолар ўртасида талаш бўлиб колади. Улардан бири Гера Зевснинг хотини, иккинчиси Афина уруш ва донолик худоси, учинчиси Афродита гўзаллар худоси эди. Бу нарсани Зевс хам хал килолмайди. «Сизлар пастга тушингар, инсонларга мурожаат килсангизлар, инсонлар олмани кимга тегишли эканлигини айтиб берадилар» дейди Зевс.

Мабудалар ерга тушиб, Троя подшоси Приамнинг ўгли Парисга йўликадилар. «Шу олмани менга хукм килиб берсанг, сени давлатманд киламан» дейди Гера. Афина эса уни донишманд ва кудратли килишга ваъда беради.

Гўзал Афродита бўлса Парисга дунёдаги энг гўзал хотинни олиб бермокчи бўлади.

Парис олмани Афродитага хукм килиб беради. Шу вактдан бошлаб Афродита Троялилар дўстига, Гера билан Афина эса Троялиларнинг душманига айланадилар. Бир неча вактдан сўнг Парис Грецияга саёхат килиб бориб, шох Менслайнинг саройига меҳмон бўлиб киради ва унинг гўзал хотини Еленани олиб кочиб кетади. Фазабланган шох Менслай кабила бошликларидан Агамемнон, Ахилес, Одиссей ва барчаларини чакириб, кўшин тузади ва Трояга карши уруш бошлашга буюради. Факат Агамемнон ўз боласини худоларга курбон килгач, шамол пайдо бўлиб, харбий кемалар Троя томон кетадилар. Тўккиз йил Трояни камал холда саклаган греклар ўнинчи йилда уни кўлга оладилар.

## Сюжет

Урушнинг ўнинчи йили Атаменон билан Ахиллес ўртасида жанжал чикади.

Атамемоннинг кўлида Аполлон худосининг (куёш худоси) кохининг (ердаги Авлиёси) кизи Хриссида асира эди. Кизнинг отаси кизини олиб кетгани келади лекин, Атамемон уни бермайди. Фазабланган кизнинг отаси худонинг нафратини тилайди. Шундан кейин урушда грекларнинг ахволи ёмонлашади. Атамемон бу ишга худоларнинг аралашганини сезиб, кизни отасига кайтариб беради, лекин Ахиллес кўлидаги иккинчи асира киз Брисеидани тортиб олади. Атамемоннинг манманлигидан хафа бўлган Ахиллес урушга катнашмай кўяди.

Греклар енгила бошлайдилар. Атамемон Ахиллес билан ярашиши учун унинг олдига Одиссейни юборади, лекин Ахиллес ярашмайди. Грекларнинг зўрайиб колганини эслаб Ахиллес ўз дўсти Патроклни урушга юборади. Патрокл Трояликларга карши жангда ўлади, уни Трояли кахрамон, Троя шохининг ўгли Гектор ўлдиради.

Икки ўртада кон тўкишни тўхтатиш учун урушга сабабчи булган Менелай билан Парисни олишуви хал килсин деб таклиф киладилар. Яккама-якка жангда Трояли Парис енгилади, ўлимга маҳкум этилганда, гўзал Афродита келиб уни олиб кочиб кетади ва ўлимдан саклаб колади. Ахиллес ўз дўсти Патроклнинг ўлимига чидаёлмай темирчи худо Гефестнинг ясаган куроли билан куролланиб, Атамемон билан сиртдан ярашиб, яна жангга киришади. Троя шахари якинида Гекторни учратиб, уч марта кувиб ва нихоят уни ўлдиради, асосий душмани сифатида уни аравага судратиб масхара килади. Троя шохи, Гекторнинг отаси чол Приам Ахиллес олдига катта тўлов билан келиб, Гекторнинг жасадини кайтариб олишга муваффак бўлади. Троялилар ўз кахрамонининг жасадини кўйдириб, у билан (Гектор) хайрлашадилар. Достон бир хулкий масала атрофида воеани тасвирлайди, у хам бўлса Ахиллесдаги газабнинг тугилиши ва унинг кучайиши хамда Троялиларга карши бу газабнинг каратилишидир. Достондаги кахрамонлар ўша замонга хос бўлган хусусиятларини уларнинг кучларини, уларнинг заиф томонини акс эттиради. кахрамонлар ўз кучларига караб харакат киладилар. Масалан: Хар бир кахрамоннинг ўзига хослиги бор. Масалан: Ахиллес жўшкин, пешкадам, Нестор доно, Атамемон шохларча улугвор, Одиссей донишманд ва хийлакор сифатида тасвирланади.

Достоннинг стили ва эпик асарга мансуб бўлган улугворлик ва тантаналикка эга. Достонда кадимги кабила ер аристократиясининг хаёти акс эттирилган. Халк хаётига жуда кам ўрин берилган. Масалан: жангчи Терсит урушга карши норозилик билдирганда, Одиссей жим туришга мажбур килиши тасвирланган.

Терсит эса автор томонидан салбий образ сифатида тасвирланган. Бу достон кадимги инсонлар хаётини акс эттирган ёдгорлик сифатида кимматлидир.

## “ОДИССЕЯ” достони

Трояли Парис Ахиллесни ўлдиргач, (унинг товонидан ўқ билан ўлдиради). Ахиллес

Товони деган сўз шундан колган. Одиссей бошлик греклар бир хийла ишлатади. Греклар гўёки чекинган каби оркага кетиб, у ерда от колдирадилар. Трояликлар греклар енгилдилар, деб ёгоч отни галаба ёдгорлиги сифатида саройга олиб келадилар. Йаокоон деган киши бунга карши турганда, дарёдан ажрархон чикиб, уни бўгиб улоктиради. Ёгоч отни Троя шахри ичкарига олиб кириб кўядилар. Кечаси унинг ичидан греклар чикиб, сарой дарвозасини очади-лар ва Трояни енгадилар. Урушдан сўнг грек қаҳрамонлари ўз ватанларига кайтадилар. Уларнинг кўплари йўлда халок бўлиб кетади, баъзилари узок йиллардан сўнг ватанларига кайтиб келадилар. Шундайлардан бири қаҳрамон Одиссей эди. Агар Иллиадада Троя уруши тасвирланса, «Одиссея»да грек қаҳрамонларнинг ўз ватанларига кайтишлари ва денгиз саргузаштлари ва шу билан бирга оила драмаси кўрсатилади. Одиссей 10 йиллик Троя урушида бўлган даврда унинг саройини «Ошиклар» эгаллади ва унинг хотини Пенелопани, сен энди эрга чик деб, кистай бошлайдилар. Унинг ўғли Телемах ёш бўлганлигидан хушторларга каршилик кўрсатолмайди. Шунинг учун худо Афина Одиссейнинг дўсти сифатида келиб телемахга кема тайёрлаб беради. Телемах энди кема билан отасини кидириб кетади. Бу вактда йўлда Одиссейни пари Калипсо яхши кўриб колиб уни кетишига йўл бермай турган эди. Афина худолар мажлисини чакириб, Одиссейни уйига кетиш масаласини кўяди. Бу масаладан сўнг Калипсо Одиссейга рухсат беради. Одиссей ўз ўртоклари билан бир оролга келади. У ердаги бир горга киради, меҳмон бўлиш учун горнинг эгасини кутади. Бу юрнинг эгаси кўр дев Циклоп Полифем бўлиб, кечкурун келиб кўйларни горга киргизади ва горнинг оғзига тош кўйиб кўяди. Горга кириб олов ёкканда одамларни кўради. Одиссей унга, бизни меҳмон кил деб дўк уради. Фазабланган дев икки кишини ерга уриб, ютиб юборади. Ўлим хавфи бошкаларга хам якинлашганда, Одиссей хийла ишлатади. У девга караб: Инсонларнинг ажойиб бир ичимлиги бор, агар сен еган гўштларингдан сўнг ўшани иссанг, жуда хам рохатланасан, дейди. Дев ичкиликни (вино) ичиб кайф кила бошлайди. Дев Одиссейдан, сенинг отинг нима, ким бўласан?, деб сўрайди.

Одиссей: «Хеч ким» деб жавоб беради.

Сени бу килган яхшилигинг учун сени энг охирида ейман, дейди дев ва уйкуга кетади. Шу пайтда Одиссей найзани киздириб, унинг сог кўзига босади. Чидолмаган дев наъра тортади. Кўшни гордаги девлар дархол етиб келиб, ташкаридан туриб, «Сенга ким озор берди?» деб сўрайдилар. Дев эса «Хеч ким» деб жавоб беради. Сен бизни овора килдинг деб, улар хафа бўлиб кайтиб кетадилар. Дев тонг отгач, сенларни тутиб ейман, дейди ва молларни бирма-бир текшириб ташкарига чикара бошлайди.

Одиссей билан унинг шерилари молларнинг корнига ёпишиб чикиб кетадилар. Бундан ташкари Одиссейнинг нариги дунёга саёхати, аждаҳо хавфидан кутилмаганлиги ва яна кўп воеалар тасвирланади. Одиссей кемага тушиб келаётганида денгиз худоси Посейдон ўғли Пожипемни кўр килиб кўйгани учун Одиссейга карши бўрон юборади. Кемаси халокатга учрайди, ўзини эса тўлкин бир киргокка чикариб ташлайди. Бу киргоқдаги бир мамалакат шохининг кизи ўртоклари билан денгиз бўйига чиккан эди. Улар Одиссейни саройга олиб бориб, унинг шарафига катта зиёфат уюширадилар. Бахшилар 10 йиллик Троя уруши ва унинг қаҳрамонлари хакида кўшик айтади. Бу кўшикда Одиссейнинг номини хам тилга оладилар. Бу вакт Одиссей кўзидан ёш чикади. Сўнг ундан сўраганларида, у Троя урушдиа катнашган қаҳрамон Одиссей эканлигини айтди. Одиссейни катта дабдаба билан ўз ватанига жўнатадилар. Одиссей сарой воеаларини эшитади ва ошиклардан ўч олиш учун режа тузади. Одиссей ўз саройига

гадой киёфасида бориб яшай бошлайди.

Одиссейнинг хотини ошикларига бир шарт кўйган эди: Мен Одиссей учун бир гилам тўқимоқдаман, шуни тўкиб бўлиб, кейин турмушга чикаман, дейди, кундузи гилам тўкийди, кечалари эса, гиламни бузади, кўп вакт ўтказаверади.

Нихоят, Пенелопа, кимки Одиссей ўқидан нишонга урса, унга тегаман, дейди. Ошиклар Одиссейнинг ўқ ёйини кўтара олмайдилар хам. Одиссей нишонга уради ва ўгли Телемах билан бирга ошикларни улоктиради, ўз юртини яна кўлга олади.

Бу достон хам 24 кўшикдан иборат бўлиб, «Илиада»дан сўнг ижод этилган. Асар қаҳрамони Одиссей донишманд хам хийлакор у азоб чекади охирида галаба килди. Асарнинг киймати хам шу ерда Бу икки асарда Гомер кабила аристократиясининг идеологи сифатида майдонга чикади.

Шарафутдинова Мухаббат Озодовна